لا تقنطوا من رحمة الله

Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз

Шайх Муҳаммад Ҳассон

Ислом Нури таржимаси

2010

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

«Эй мўминлар, Аллоҳдан ҳақ-рост қўрқиш билан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолларингда дунёдан ўтинглар!» (Оли Имрон: 102).

«Эй инсонлар! Сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини вужудга келтирган ҳамда у икковидан кўп эркак ва аёлларни тарқатган Роббингиздан қўрқингиз! Яна ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан қўрқингиз ва қариндош-уруғларингиз (билан ажралиб кетишдан қўрқингиз)**! Албатта Аллоҳ устингизда кузатувчи бўлган зотдир»** (Нисо: 1).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар, тўғри сўзни сўзланглар! (Шунда Аллоҳ) **ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират қилур. Ким Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас у улуғ бахтга эришибди»** (Аҳзоб: 70, 71).

Сўзларнинг рости Аллоҳнинг Китоби, йўлларнинг яхшиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўллари, ишларнинг ёмони (динда) янги пайдо қилинганлари, (динда) янги пайдо қилинган барча нарса бидъат, барча бидъат залолат, барча залолат эса жаҳаннамга элтгувчидир.

Аммо баъд...

Севикли дўстларим, барчангиз даврамизга хуш келибсиз, қадамингизга ҳасанотлар бўлсин. Аллоҳ таолодан юзларингизни ёруғ қилишини, қалбларингизни очишини ва дилларингизни поклашини, сизу биздан солиҳ амалларни қабул қилишини, барчамизни дунёда Ўзининг

тоатида ва охиратда пайғамбарлар саййиди билан бирга Ўзининг жаннатида жамлашини сўрайман. Зотан, У бунга қодирдир.

Бугунги суҳбатимиз «Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз» деб номланади. Мавзунинг узунлигидан келиб чиқиб, уни қуйидаги бир неча моддаларга бўлиб олиб борамиз:

Биринчи: Дунё имтиҳонлар ҳовлиси ва синовлар уммонидир.

Иккинчи: Гуноҳ ва маъсиятларнинг хатари.

Учинчи: Олий даргоҳдан нидо.

Тўртинчи: Тавба қилувчи борми?

Биринчи: Дунё имтиҳонлар ҳовлиси ва синовлар уммонидир

Севикли биродарим! Бу дунёга келган кунингиздан бошлаб сиз имтиҳону синовлар гирдобига ташланган бўлдингиз. Агар Аллоҳ сизга мол-давлат ато этган бўлса, билингки, сиз синовлар уммонидасиз. Агар сиҳат-саломатлик ато этган бўлса, билингки, яна имтиҳондасиз. Агар Аллоҳ сизни шак-шубҳалар ва тангликларга дучор этган бўлса, билингки, бу ҳам бир имтиҳон.

«Биз сизларни (сабр-тоқатларингизни синаш учун) **ёмонлик билан ҳам,** (шукр қилишингизни билиш учун) **яхшилик билан ҳам «синаб» имтиҳон қилурмиз»** (Анбиё: 35). Бу дунё имтиҳон ҳовлисидир, синовлар уммонидир. У абадий ўрнашиш ҳовлиси эмас, йўқлик ва заволга юз тутиш ҳовлисидир.

Аллоҳ таоло айтади: «**Билингларки, бу ҳаёти дунё фақат** (бир нафаслик) **ўйин-кулги, зеб-зийнат, ўрталарингиздаги ўзаро мақтаниш ва мол-дунё ҳамда фарзандларни кўпайтиришдир, холос.** (У) **худди бир ёмғирга ўхшарки, унинг** (ёғиши сабабли униб чиққан) **ўт-ўлани деҳқонларни хайратга солиб** (ақлларини банд қилиб қўюр). **Сўнгра у қурир, бас уни сарғайган ҳолда кўрурсиз. Сўнгра у қуруқ чўп бўлиб қолур.** (Ҳаёти дунёнинг ҳоли ҳам шундан ўзга эмасдир). **Охиратда эса** (ўша тўрт кунлик дунёга алданиб қолганлар учун) **қаттиқ азоб ва** (иймон-эътиқод билан ўтганлар учун) **Аллоҳ томонидан мағфират ва ризолик бордир. Ҳаёти дунё эса фақат алдовчи матодир**» (Ҳадид: 20).

Аллоҳ таолонинг ушбу ҳовлидаги ҳукми шудир.

Дунё ҳаёти ҳар қанча узун бўлмасин, барибир қисқадир, ҳар қанча улкан бўлмасин, барибир ҳақирдир. Зотан, тун ҳар қанча узоқ давом этмасин, тонг отиши аниқ, умр ҳар қанча узоқ бўлмасин, қабрга киришдан бошқа чора йўқ..

Бухорий ва Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда севикли пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу дунё ҳаёти ҳақиқатини шундай баён қиладилар:

«Бану Исроилдан уч кишини – пес, кал ва кўрни Аллоҳ таоло синамоқчи бўлиб, улар ҳузурига бир фариштани (инсон суратида) юборди. Фаришта песнинг олдига келиб: «Сен учун энг суюмли нарса нима?», деб сўради. У: «Чиройли ранг ва чиройли тери, ҳамда одамлар мендан жирканадиган мана бу (ҳолат)нинг йўқолиши», деб жавоб берди. Фаришта унинг (баданини) силагач, песи йўқолиб, унга чиройли ранг ва чиройли тери ато этилди. Кейин фаришта ундан: «Қандай мол сен учун яхшироқ?», деб сўради. У: «Туя», деди. Шунда унга ўн ойлик ҳомиласи бор бир урғочи туя ато этилди. Фаришта унга: «Аллоҳ таоло сенга уни баракотли қилсин», деб дуо қилди.

Кейин у калнинг олдига бориб: «Сен учун энг суюмли нарса нима?», деб сўради. У: «Чиройли соч ва одамлар мендан жирканадиган мана бу (ҳолат)нинг йўқолиши», деб жавоб берди. Фаришта унинг (бошини) силаган эди, (каллиги) йўқолиб, унга чиройли соч ато этилди. Кейин фаришта ундан: «Қандай мол сен учун яхшироқ?», деб сўради. У: «Сигир», деди. Шунда унга бўғоз сигир ато этилди ва фаришта унга: «Аллоҳ таоло сенга уни баракотли қилсин», деб дуо қилди.

Кейин у кўрнинг олдига бориб: «Сен учун энг суюмли нарса нима?», деб сўради. У: «Аллоҳ таоло менга кўришимни қайтарса ва мен одамларни кўрсам», деди. Фаришта унинг (кўзини) силаган эди, Аллоҳ унга кўришини қайтарди. Кейин фаришта ундан: «Қандай мол сен учун яхшироқ?», деб сўради. У: «Қўй», деди. Унга бир бўғоз совлиқ ато этилди.

Шундан сўнг туя, сигир ва совлиқ болалади ва (тез орада ҳалиги уч кишининг) бири бир водий тўла туяларга, иккинчиси бир водий тўла сигирларга, учинчиси эса бир водий тўла қўйларга эга бўлди.

Шундан сўнг фаришта ҳалиги пес (бўлган) кишининг олдига илгариги (у билан кўришгандаги) қиёфаси ва кўринишида келиб: «Мен бир мискин одамман, сафаримда муҳтожликдан қийналдим. Аввало Аллоҳ, қолаверса сен туфайли бугун (қасд қилган манзилимга) етиб олишим мумкин. Сенга чиройли ранг, чиройли тери ва кўп мол-дунё ато этган Зот ҳаққи-ҳурмати, менга битта туя берсанг, шу билан сафаримда (мурод қилган манзилимга) етиб олардим», деди. Ҳалиги (илгари пес бўлган) киши: «(Сенсиз ҳам) ҳақ талаб қилувчилар жуда кўп», деди. Фаришта: «Мен сени танигандекман, илгари сен одамлар жирканадиган пес бўлмаганмидинг, фақир-мискин эканингда Аллоҳ сенга мол-дунё ато этмаганмиди?!», деди. У: «Бу мол-дунёни мен ота-боболаримдан мерос қилиб олганман», деди...».

Ана, айтмадимми сизга, дунё имтиҳон ҳовлиси ва синовлар уммонидир, деб?!

Аллоҳ таоло мол-давлат ато этгач, ҳалиги бечора ўзининг аслини унутди, фақир ва ожиз бўлганини эсидан чиқарди.. Инсон қачонки ўзининг асли наслини унутганида, ўзининг ҳеч нарсага арзимайдиган бир нарса бўлганини унутганида кибрга берилади, ўзини бошқалардан олий деб кўради.

Эй одамзот, аслинг оёқости бўлиб ётадиган тупроқдан, бинога келишинг ундан баданларни ювиб тозаланадиган жирканчли бир сувдан бўлса!!

Аллоҳ таоло айтади: **«Эй инсон, нима сени улуғ Парвардигоринг ҳақида** (Унга ибодат қилмасанг ҳам бўлаверади, деб) **алдаб қўйди?! У сени яратиб, сўнг** (барча аъзоларингни) **тиклаб, сўнг** (қоматингни ҳам) **расо қилиб, қўйган зот-ку! У сени Ўзи қай суратни хоҳлаган бўлса** (ўша сурат — шаклда) **таркиб топтирди — яратди-ку!»** (Инфитор: 6-8).

Имом Аҳмаднинг «Муснад»ида ҳасан санад билан келган, Буср ибн Жаҳҳош ал-Қураший розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда айтилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни кафтларига туфлаб, унга кўрсаткич бармоқларини қўйдилар ва айтдилар: **«Аллоҳ таоло айтади: Эй одамзот, сен мени қандай қилиб ожиз қолдира олардинг, ҳолбуки Мен сени мана бу каби нарсадан**

яратдим, Мен қадди-қоматингни расо қилиб қўйгач, иккита чопонга (кийимга) ўралиб (гердайиб) юрдинг, ернинг ҳам сендан шикоят-оғриқи бор, (мол-дунёни) жамғардинг, (закоту садақотини) бермадинг, жон ҳалқумга етган пайтда: «садақа қиламан» дейсан, садақа қилиш вақти аллақачон ўтган бўлади!» (Ибн Можа, Ҳоким, Аҳмад ривоятлари, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 1143).

«Токи қачон улардан (яъни кофирлардан) **бирига ўлим келганида: «Парвардигор, мени** (яна ҳаётга) **қайтаринглар. Шояд, мен қолган умримда яхши амал қилсам», деб қолур. Йўқ!** (У асло ҳаётга қайтарилмас**). Дарҳақиқат бу** (ҳар бир жон бераётган кофир) **айтадиган сўздир. Уларнинг ортида то қайта тириладиган кунларигача** (дунёга қайтишларидан тўсиб турадиган) **бир тўсиқ бўлур»** (Муъминун: 99-100).

Аллоҳ йўлидаги дўстларим! Ҳадиснинг давомига қайтамиз:

«... Шунда фаришта: «Агар ёлғон айтаётган бўлсанг, Аллоҳ таоло сени аввалги ҳолингга қайтариб қўйсин», деб дуо қилди...»

Ҳофиз Ибн Ҳажар «Фатҳул Борий»да ушбу ҳадис шарҳида айтади: «Набавий хабарда келишича, Аллоҳ азза ва жалла уни аввалги ҳолига қайтариб қўйди».

«... Сўнгра фаришта (илгари кал бўлган) иккинчи киши олдига (у билан кўришгандаги) аввалги қиёфасида келиб, унга ҳам (песга) айтган гапларини айтган эди, у ҳам худди ўшандай жавоб қилди.

Шунда фаришта уни ҳам: «Агар ёлғон айтаётган бўлсанг, Аллоҳ таоло сени аввалги ҳолингга қайтариб қўйсин», деб дуо қилди.

Кейин фаришта учинчиларининг, яъни илгари кўр бўлган кишининг ҳузурига (у билан аввалги кўришгандаги) қиёфасида келиб: «Мен бир мискин одамман, сафаримда муҳтожликдан қийналдим. Аввало Аллоҳ, қолаверса сен туфайли бугун (қасд қилган манзилимга) етиб олишим мумкин. Сенга кўзингни қайтариб берган Зот ҳаққи-ҳурмати, менга битта қўй берсанг, шу билан кўзлаган манзилимга етиб олардим», деди. У деди: «Мен илгари кўр эдим, Аллоҳ менга кўришимни қайтариб берди. (Молимдан) истаганингни ол, истаганингни қолдир. Аллоҳга қасамки, бугун Аллоҳ учун оладиганинг бирон нарсада мен сенга қаршилик қилмайман», деди.

Шунда фаришта: «Молинг ўзингга буюрсин, сизлар имтиҳон қилиндингиз, Аллоҳ таоло сендан рози бўлиб, икки шеригингга ғазаб қилди», деди». (Муттафақун алайҳ, Бухорий (6/364), Муслим (№2964) ривоятлари).

Ҳа, азиз дўстим, айтмадимми сизга, дунё синов ва имтиҳон ҳовлиси деб?!

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, одамларга) **ҳаёти дунё мисолини келтиринг,** (У) **худди бир сув кабидирки, Биз осмондан ёғдириб** (аввал — киши ҳаётининг баҳорида) **у сабабли замин набототи** (бир-бирига) **аралашиб-чирмашиб кетур, сўнгра** (ҳаёт кузи келгач) **шамоллар учириб кетадиган хас-хашакка айланиб қолур. Аллоҳ ҳамма нарсага қодир бўлган зотдир. Мол-мулк, бола-чақа шу ҳаёти дунё зийнатидир. Парвардигорингиз наздида эса** (абадий) **қолувчи яхши амаллар савоблироқ ва орзулироқ** (орзу қилишга арзирлироқдир)**»** (Каҳф: 45-46).

Луқмон ҳаким фарзандига деди: Эй фарзандим! Сен дунёга келган кунингдан бошлаб, дунёни ортингда қолдириб, охират сари юриб бормоқдасан.. Сен ўзинг яқинлашиб бораётган ҳовлига узоқлашиб бораётганинг ҳовлидан кўра яқинроқсан..

Севикли биродарим! Навқирон дўстим! Фазилатли ота ва фозила она!

(Шеър мазмуни):

Ғўрлик даврингда қилиб келган ишларни қўй энди,
Гуноҳларингни эсга ол ва улар учун кўз ёш тўк.
Сен унутган бўлсанг ҳам икки фаришта унутмаган,
Сен гуноҳга ғарқ, улар эса ёзишга машғул эдилар.
Жон сенга берилган бир омонатдир,
Уни мажбуран қайтариб беришинг бор.
Сен мағрур бўлиб, у учун югуриб-елган дунё
Ҳақиқатан йўқ бўлувчи бир матодир.
Билиб қўй, кеча ва кундузда олган
Ҳар бир нафасларимиз саноқлидир.

Севикли биродарим! Дунё сизу бизга абадий қароргоҳ эмас, у бор-йўғи бир имтиҳон ҳовлисидир. Абадий қароргоҳ эса Аллоҳ таборака ва

таолонинг жаннатидир. Аллоҳ таолодан барчамизни унинг аҳлидан қилишини сўрайман.

Иккинчи: Гуноҳ ва маъсиятларнинг хатари

Аллоҳ таоло Ўзи инсонни яратгани ва унинг заифлигини, фақир ва муҳтожлигини билгани учун, унинг дунё ва охиратда ўзини саодатга элтувчи қонун-қоидаларни ишлаб чиқишга қодир эмаслигини билгани учун ҳам, инсонга дунё ва охират бахт-саодатига кафил бўлувчи манҳаж (дастур)ни ҳам Унинг Ўзи тақдим этди: **«Сизларга Мен тарафдан ҳидоят келганида ким Менинг ҳидоятимга эргашса, йўлдан озмас ва бахтсиз бўлмас. Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, албатта унинг учун танг – бахтсиз ҳаёт бўлур ва Биз уни қиёмат кунида кўр ҳолда тирилтирурмиз». У: «Парвардигорим, нега мени кўр қилиб тирилтирдинг, ахир кўрар эдим-ку», деган эди,** (Аллоҳ) **айтди: «Шундай. Сенга Бизнинг оят-мўъжизаларимиз келганида уларни унутдинг. Бугун сен ҳам ана шундай «унутилурсан». Ҳаддан ошган ва Парвардигорининг оятларига иймон келтирмаган кимсаларни мана шундай жазолармиз. Охират азоби эса шак-шубҳасиз қаттиқроқ ва узунроқдир»** (Тоҳа: 123-127).

Севикли биродарим!

Аллоҳ таоло башариятга унинг дунё-ю охират саодатига кафил бўлувчи манҳаж-йўлни тузиб берди. Ким Аллоҳнинг манҳажига эргашса, дунёсида ҳам, охиратида ҳам саодатга эришади. Ким Аллоҳнинг манҳажидан юз ўгирса, ўзининг Хожасига итоатсиз бўлса, дунёсида бахтсиз, охиратда эса ҳалок бўлувчилар қаторида бўлади.

Демак, маъсиятлар дунё-ю охиратдаги бахтсизлик сабаби экан, Аллоҳ таоло сизни бир ишга буюрган бўлса, унга итоат қилинг, бир ишдан қайтарган бўлса, ундан тийилинг, сизнинг бахт-саодатингиз учун кафил бўлувчи ҳад-ҳудудларни белгилаб берган бўлса, уларга бўйсунинг, Аллоҳни ёдда тутинг, сизни Аллоҳ ёдда тутади..

Ҳофиз Ибн Ражаб раҳимаҳуллоҳ айтади: «Аллоҳни Унинг амрларига бўйсуниш ва қайтариқларидан тийилиш, У белгилаб берган ҳад-ҳудудларда туриш билан ёдда тутинг. Шундай қилсангиз, сиз Аллоҳ

таборака ва таолонинг амрларини муҳофаза қилган кишилардан бўласиз».

Севикли биродарим!

Маъсият Аллоҳнинг манҳажидан узоқлашишдир, Аллоҳнинг ҳад-ҳудудларидан йироқлашишдир, Аллоҳ таборака ва таолонинг амру фармонларига қарши чиқишдир. Отамиз Одам ва момомиз Ҳаввони жаннатдан чиқарган нарса ҳам маъсият эмасмиди, ахир?! Ҳа, маъсият эди! **«Одам Парвардигорига осий бўлиб, йўлдан озди»** (Тоҳа: 121).

Бобокалон ва момокалонимизни жаннатдан чиқарган нима эди?! Иблисни Аллоҳнинг раҳматидан қувғинга учратган нима эди?! Фиръавн қавмини ҳалокатга дучор этган нима эди?! Од қавмини ҳалок этган нима эди?! Самуд қавмини ҳалокатга отган нима эди?! Қорун қавмини ҳалок қилган нима эди?! Ҳар бир аср ва ҳар бир даврда золим ва зўравонларни ҳалокат домига етаклаган нарса нима эди?! Гуноҳ ва маъсиятлар шумлиги эди!! Маъсиятлар дунё-ю охират бахтсизлигининг аосий сабабидир!

Қуйида гуноҳ ва маъсиятларнинг энг хатарли асоратларидан баъзиларини айтиб ўтамиз:

1) Илмдан маҳрум бўлиш

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу Аллоҳ таолонинг: **«Аллоҳдан тақво қилингиз-қўрқингиз! Аллоҳ сизларга** (дунё ва охиратда фойдали илмни) **билдиради»** (Бақара: 282) ояти ҳақида айтадилар: «Дарҳақиқат, мен инсон ўзи эгаллаган илмини қилган гуноҳлари туфайлигина унутади, деб деб ҳисоблайман».

Эътибор беринг, жуда кўп толиби илмлар ҳофиза қуввати сустлиги ва зеҳнининг пастилигидан шикоят қилишади. Агар текшириб кўрсангиз, бунинг сабаби гуноҳу маъсиятлар эканини топасиз.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтадилар: «Маъсият таъсирида юзда қоралик, қабрда зулмат, баданда заифлик, ризқда танглик, халқлар қалбида нафрат ҳосил бўлади. Тоат таъсирида эса юзда нур, қалбда нур, баданда қувват, ризқда кенг-мўллик, халқлар қалбида муҳаббат ҳосил бўлади».

Имом Шофиий ўсмирлик пайтида, ёши ҳали ўн бешдан ўтмаган бир даврда Ҳузайл қабиласида араб тилига оид илм-фанларни пухта эгаллаб, араб тилида ғоят гўзал ва фасоҳатли гапирадиган бўлганида амакиваччаларидан бири унга: «Эй Шофиий, бундай гўзал фасоҳатга фиқҳ ва илм қўшилмоғи зарур», дейди. Унинг: «Кимнинг қўлида илм ўқисам бўлади?», деган саволига: «Мадинага, мусулмонларнинг саййиди Молик ибн Анас ҳузурига боргин», деб жавоб беради.

Шунда Шофиий Имом Моликнинг «Муваттоъ» деган китобини қидириб топади ва тўққиз кунда уни тўла ёд олади. Сўнг Мадинаи Мунаввара, Имом Молик ҳузурларига жўнайди.

Шофиий устози Имом Молик олдида ўтириб, унга «Муваттоъ»ни ёддан ўқиб эшиттиради. Имом Молик унинг зеҳни ва ҳофиза қувватига қойил қолади ва: «Шубҳасиз, мен сизнинг қалбингизга Аллоҳ нурни солиб қўйганини кўраяпман. Уни гуноҳлар зулмати билан сўндириб қўйманг», деб насиҳат қилади.

Имом Шофиий толиби илмлар ўртасида ғоят машҳур бўлган қуйидаги байтда айтади:

Вакийъга қилдим эсарликдан шикоят
Гуноҳ қилмасликка қилди насиҳат
Ва деди: Билгингки, илм бир нурдир
Аллоҳ нурин осийга бермайди, албат!

Севикли биродарим!

Илмдан маҳрум бўлиб қолиш гуноҳу маъсиятларнинг энг хатарли асоратларидандир. Эй толиби илм, агар қадамингиз тойилса, йўл устидаги тиканлар сизни ўзига тортиб кетаётган бўлса, билингки, сиз бир ёмонлик устидасиз.. Зудлик билан тавба қилишингиз ва Аллоҳга қайтишингиз лозим. Зотан, сизу биз муқарраб фаришта ҳам, гуноҳдан пок пайғамбар ҳам эмасмиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларидек: **«Ҳар бир одам фарзанди хатокордир, хатокорларнинг яхшилари тавба қилувчилардир»**. (Ҳасан ҳадис, «Саҳиҳул-жомиъ»: №4515, «Мишкот»: №2341, Термизий: №2501, Ибн Можа: №4251, Доримий: 2/203, Аҳмад: 3/198).

2) Ризқдан маҳрум бўлиш

«Муснад»да яхши санад билан келган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Албатта, банда қилган гуноҳи сабабли ризқдан маҳрум бўлади»**.

Кимдир «Нега унда динсиз кофирлар мўл-кўл ризқларга кўмилиб яшашмоқда?!» деб эътироз билдириши мумкин.

Жавоб шуки, Аллоҳ таоло бутун махлуқотларига ризқ беришни Ўз кафолатига олган, ким сабабларни ушласа, ҳатто у кофир бўлса ҳам, сабабларни сабабчи қилувчи Зотнинг амри билан сабаблар натижаларга эриштиради.

Бу Аллоҳ жалла ва алонинг аҳдидир, ҳисоб эса қиёмат кунига қолади.

Агар бир кишининг ўз Хожасининг маъсиятида бўлишига қарамай, неъматлар ичида яшаётганини кўрсангиз, билингки, бу Аллоҳ таоло томонидан унга нисбатан истидрож (яъни, ўзига сездирмасдан секин-аста ҳалокатга етказиш)дир. Аллоҳ таоло айтади: **«Улар Биз уларга бераётган мол-давлат ва болалари улар учун яхшиликларни тезлатишимиз деб ўйлайдиларми? Йўқ, улар** (буни ғафлатлари янада зиёда бўлиши учун қилинаётганини) **сезмайдилар»** (Муъминун: 55,56).

«Энди — ўзлари учун эслатма қилиб берилган нарсани унутган вақтларида, уларга ҳамма нарсанинг эшикларини очиб қўйдик. Қачонки ўзларига берилган нарсалар билан шод турганларида, уларни тўсатдан ушладик. Бас, бутунлай номурод бўлдилар. Бутун оламларнинг Парвардигори — Аллоҳга ҳамд бўлсинки, золим қавмнинг думлари қирқилди (ҳалок қилиндилар)**»** (Анъом: 44, 45).

«Энди инсон қачон Парвардигори уни имтиҳон қилиб, азиз қилиб қўйса ва унга неъмат ато этса дарҳол: «Парвардигорим (иззат-ҳурматга лойиқ бўлганим учун) **мени азиз қилди», дер. Энди қачон** (Парвардигори) **уни имтиҳон қилиб, ризқини танг қилиб қўйса, дарҳол: «Парвардигорим мени хор қилди», дер»** (Вал-фажр: 15-16).

Йўқ, асло ундай эмас! Иш сизлар айтаётгандек ва сизлар даъво қилаётгандек эмас. Аллоҳ таоло ноз-неъматлар ато этган ҳар бир киши ҳам Аллоҳнинг розилигини топган бўлавермайди. Аллоҳ таоло мусибат берган ҳар бир киши ҳам Аллоҳнинг ғазабига учраган бўлавермайди.

Шундай экан, азиз дўстим, билингки, Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсага фақат Унинг тоати билан эришилади, сиз Аллоҳ ҳузуридаги нарсага Унинг маъсияти билан ҳам етишса бўлади деган хато фикрга бориб қолманг ва ҳалолдан топиб, ҳалол ейишга қаттиқ урининг. Зеро, умр қисқа, сиз кутаётган энг яқин ғойиб меҳмон ўлимдир. Жасаддаги ҳаромдан унган ҳар бир эт дўзахга лойиқроқдир.

Порахўрликдан, ҳаромдан, ботилдан сақланинг, бола-чақангиз ҳузурига фақат ҳалол ризқ келтиринг. Токи, Аллоҳ таоло фарзандингизни сизнинг ҳаётлик пайтингизда ҳам, вафотингиздан кейин ҳам фақат солиҳ ва покиза тарбияга муваффақ қилсин.

«(Бировнинг ўлимига ҳозир бўлган) **кишиларнинг ўзлари ожиз-нотавон фарзандларини қолдириб вафот қилиб кетсалар, улардан хавотир олганлари каби** (ўзгаларнинг етимлари ҳаққидан ҳам) **қўрқсинлар. Аллоҳдан қўрқиб** (ўлим олдидаги кишига) **ҳақ сўзни айтсинлар!»** (Нисо: 9).

Умар ибн Абдулазиз розияллоҳу анҳу ўлим тўшагида ётганида унинг ҳузурига киришиб: «Эй амирал муъминийн, фарзандларингиз учун бирон васият қилсангиз», дейишди. «Мени ўтиргизинглар», деди у. Қўлтиғидан суяб ўтқиздилар. У деди: «Аллоҳга қасамки, мен уларга ўзларига тегишли бўлган бирон ҳақ-ҳуқуқда зулм қилмадим, бошқаларнинг ҳақларини эса уларга асло бермайман. Улар ҳақида васият қилувчим **«шу Китобни нозил қилган Аллоҳдир. У солиҳ бандаларга ёр бўлур»** (Аъроф: 196). Умарнинг боласи икки кишининг биридир, у ё солиҳ кишидир, Аллоҳ эса солиҳларга ёр бўлади, ё эса ундан бошқачадир, у ҳолда мен унга Аллоҳнинг маъсиятида ёрдамланадиган нарсани ҳаргиз қолдирмасман. Энди болаларимни ҳузуримга чорланглар».

Фарзандлар кириб келишгач, унинг кўзлари ёшланди, сўнг уларга деди: «Болаларим, мен сизларга кўп яхшилик қолдирдим. Мусулмонлар ёки аҳли зиммалардан қай бир кишининг олдидан ўтманг, улар сизлар учун ҳақ бор деб кўришади. Болаларим, мен икки иш ўртасида ихтиёрли қилиндим: ё сизлар бой-бадавлат бўлиб қоласизлар ва мен дўзахга тушаман, ё эса охирги кунингизгача камбағал бўлиб қоласизлар ва мен жаннатга кираман. Сизларнинг камбағал бўлиб қолишларингиз мен учун яхшироқ кўринди. Турингглар, сизларни Аллоҳнинг ўзи асрасин.

Турингглар, сизларга Аллоҳнинг ўзи ризқ ато этсин». **«**(Бировнинг ўлимига ҳозир бўлган) **кишиларнинг ўзлари ожиз-нотавон фарзандларини қолдириб вафот қилиб кетсалар, улардан хавотир олганлари каби** (ўзгаларнинг етимлари ҳаққидан ҳам) **қўрқсинлар. Аллоҳдан қўрқиб** (ўлим олдидаги кишига) **ҳақ сўзни айтсинлар!»** (Нисо: 9).

3) Хорлик ва хўрлик

Дунё аҳлининг ҳолати, агар улар Аллоҳ ва Расулига душман бўлсалар, сизни асло алдаб қўймасин. Аллоҳ таоло нафс майллари туфайли осий бўлганни ҳам, мансаб курсиси сабаб гуноҳга ботганни ҳам, хотин, бола-чақасини деб маъсият йўлини тутганни ҳам хорлайди. Гарчи уларнинг пичоқлари мой устида бўлиб турган бўлса ҳам, бу алдоқчи кўриниш сизни алдамасин. Зеро, маъсият хорлиги бор уларнинг қалбида, Аллоҳ таоло Ўзига осий бўлганни хорламай қўймайди.

Эй одам фарзанди, эй ўткинчи мансаб курсисига сиғинган кимса! Агар зўр бўлсанг, нега шаҳватингни ўзингга ҳоким қилиб қўйдинг?! Агар бой бўлсанг, Аллоҳнинг ер юзидаги бандаларига бир кунгина ризқ бергинчи!

«Ўрмалаган нарса борки, барчасининг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир» (Ҳуд: 6).

Барчанинг ризқи динсиз шарқ ё кофир ғарб зиммасида эмас, Аллоҳнинг зиммасидадир!!

«У зот уларнинг турар жойларини ҳам, борар жойларини ҳам билур. Ҳамма нарса очиқ-равшан Китобда бордир» (Ҳуд: 6).

Абу Нуъаймнинг «Ҳиля»сида шундай ажойиб сатрлар бор: «Иброҳим Адҳам бир куни қовурилган гўшт еб ўтирганида бир мушук келиб, бир бўлак гўштни олиб кетади. Иброҳим Адҳам унинг ортидан кузатиб турса, мушук гўштни ташландиқ бир ковак ёнига қўйиб, орқасига бурилади. Қизиқиши ортган Иброҳим ҳолатни кузатишда давом этади. Қараб турса, бир кўр илон ковакдан чиқиб, гўшт бўлагини олиб, яна коваккa кириб кетади. Буни кўриб, Иброҳим Адҳам йиғлаб, бошини Раззоқ ва Қудратли Зотга кўтариб: «Эй душманларни бўйсундириб, уларни бир-бирига ризқ ташийдиган қилиб қўйган Зот, Сени поклайман», деб нидо қилади».

«У зот уларнинг турар жойларини ҳам, борар жойларини ҳам билур. Ҳамма нарса очиқ-равшан Китобда бордир» (Ҳуд: 6).

Лекин, Раззоққа бўлган иймону ишончимиз сусайиб кетгач, фисқу фужур уйларини обод этдик, қиморхоналар очиб, уларни олқишладик.. Шармсиз сайёҳлар учун эшикларимизни кенг очиб бердик.. Мусулмонлар диёрида улар учун маст қилувчи ичимликлар ичишни қонунийлаштириб бердик.. Модомики, мусулмонлар ичмаётган экан, бўпти-да, нима зарари бор?!.. Ахир сайёҳлар орқали бизга ҳисобсиз пул-моллар оқиб келмоқда-ку!!..

Раззоққа ишонч қолмади! Ваҳоланки, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади:

«Агар у қишлоқларнинг (жойнинг) **аҳли иймон келтириб, тақводор бўлганларида эди, албатта Биз уларга осмону Ердан баракот** (дарвозаларини) **очиб қўйган бўлур эдик»** (Аъроф: 96).

(Нуҳ алайҳиссалом) **«Мен дедимки: «Парвардигорингиз** (Аллоҳ)**дан мағфират сўранглар, албатта У ўта мағфиратли бўлган зотдир.** (Шунда) **У зот устларингизга осмондан ёмғир қуйдирур. Сизларга мол-дунё, бола-чақа билан мадад берур ҳамда сизларга боғу бўстонлар** (ато) **қилур ва сизларга оқар дарёлар** (ато) **қилур. Нега сизлар Аллоҳни улуғлашни** (яъни Унга ибодат қилишни) **ўйламайсизлар?!»** (Нуҳ: 10-13).

Демак, азиз биродарим, хорлик ва хўрлик гуноҳу маъсиятларнинг асоратидан экан.. Азизлик тоатда, хорлик эса маъсиятдадир..

Маъсият хорликдир, хўрликдир, ҳақирликдир, заифликдир.. Лекин, агар Аллоҳга тавба қилсангиз ва Аллоҳга қайтсангиз, сиз Аллоҳ учун мукаррам ва азиз инсонга айланасиз.

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимаҳуллоҳнинг зарҳал ҳарфлар билан ёзилгудек мана бу сўзларига қулоқ тутинг:

«Гуноҳи кабиралардаги асл-асос тавбадир, жазо қўллаш эмас».

Гўзал сўзлар.. Агар бирон гуноҳи кабирага қўл уриб қўйган бўлсангиз ва Аллоҳ сизни фош қилмай, яширган бўлса, сиз ҳам ичингизда сақланг ва Аллоҳга тавба қилинг. Аммо, агар бу ишингиз валийюл-амр (раҳбар, бошлиқ)га етиб борса, энди у ҳолда сизга Аллоҳнинг ҳадди (белгилаб берган шаръий жазоси) қўлланиши фарз бўлади..

Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган саҳиҳ ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ҳали**

устингизга халқлар худди емакхўрлар товоғига ташланганидек ёпирилиб келади», дедилар. Биз: «Ё Расулуллоҳ, ўша куни озчилик бўлганимизданми?», деб сўрадик. **«Сизлар у куни кўпчилик бўласизлар, лекин худди селнинг кўпиги каби кўпик бўласизлар, душманларингиз қалбидан маҳобат (қўрқув) олиб қўйилади ва қалбларингизга ваҳн солиб қўйилади»**, дедилар. «Ваҳн нима?», дедик. **«Дунёга муҳаббат ва ўлимни ёмон кўриш»,** дедилар». (Саҳиҳ, «Саҳиҳул-жомиъ: №8183, Абу Довуд: №4297, Аҳмад: 5/278).

Ҳозирда уммат Аллоҳнинг манҳажидан юз ўгириши сабабли хорликка дучор бўлди.. Аллоҳ бизни тўнғиз ва маймунларнинг оғалари бўлмиш яҳудлар оёғи остига ташлади.

Нега шундай бўлди? Чунки, уммат ўз иззати асосидан, ўз шарафи манбаидан, ўз улуғлиги ва борлиғи пойдеворидан четланди.

У иззат ва шарафни гоҳ динсиз шарқдан, гоҳ эса кофир ғарбдан қидирди. Шу сабабли Аллоҳ уни хор қилди, улар устига хорлик ва хўрликни қоплаб қўйди, энди у бу хорликдан яна қайта Раббининг динига, Парвардигорининг Китоби ва Пайғамбарининг Суннатларига қайтиш орқалигина қутулиши мумкин.

Биз бугун умматнинг иззатдан сўнг хорликка, қудратдан сўнг заифликка, илмдан сўнг жаҳолатга тушиб қолганини, инсоният карвонининг энг охирида қолиб кетганини кўрмоқдамиз. Ваҳоланки, у яқин ўтмишда мазкур карвонни комил иқтидор ва тўла лаёқат билан бошқариб келган эди. Куни кеча гангиган ва йўл йўқотган халқлар учун ҳидоят машъаласи вазифасини бажариб келган уммат бугун инсоний мафкуралар дастурхони устида қўл чўзиб, тиланчилик қилмоқда! Кеча ҳалокатли олов пуркаётган жазирама саҳроларда йўл тополмай тентираган инсонларга зиё таратувчи маёқ бўлган мусулмонлар, бугун ўз йўлида ҳам юра олмай қолдилар. Балки, кеча тажрибали инсонларгина олиб чиқиши мумкин бўлган чексиз-чегарасиз, хатарларга тўла саҳроларда йўлбошчи-сарбон бўлган мусулмонлар, бугун ўз йўлларини йўқотиб қўйдилар. Бугун одамлар яшаб турган танглик ва бахтсиз ҳаёт айни гуноҳ ва маъсиятларнинг хатарли асоратидан бошқа нарса эмасдир.

Ҳа, азиз биродарлар..

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Эй муҳожирлар жамоаси! Беш нарса борки, улар билан мубтало бўлсангизлар – улар сизларга етишидан Аллоҳдан паноҳ тилайман: – (1) қайси бир қавмда фаҳш пайдо бўлиб, улар у билан очиқдан очиқ шуғулланса**лар, ораларида ўлат ҳамда ота-боболари даврида бўлмаган бошқа касалликлар тарқалади. (2) Ўлчов ва тарозидан уриб қоларканлар, қурғоқчилик, қаттиқ етишмовчилик ва подшоҳнинг зулмига дучор этиладилар. (3) Молларининг закотини бермас эканлар, уларга самодан ёмғирни тўсиб қўйилади, агар чорва ҳайвонлари бўлмаса эди, умуман ёмғирсиз қолишарди. (4) Аллоҳга беришган аҳдни ва Расулига беришган аҳдни бузишаркан, Аллоҳ улар устига душманларини ҳукмрон қилиб қўяди ва улар буларнинг қўлларидаги баъзи нарсаларни тортиб олишади. (5) Раҳбарлари Аллоҳнинг Китоби билан ҳукм қилмас эканлар ва яхшиликни Аллоҳ нозил қилган нарсада деб билмас эканлар, Аллоҳ уларнинг жабр-зулмларини ўз ўрталарида қилади»** (Ибн Можа (№4019) ва бошқалар ривояти, Ас-силилатус-саҳиҳа: 106).

Бу улкан ҳадис маъносини бир тафакур қилиб кўринг ва бизнинг бугунги ҳолатимизга бир назар ташланг.. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам умматнинг нақд бугунги ҳолатини чизиб бергандек бўлдилар.

Очиқдан-очиқ фаҳш билан шуғулланишга йўл қўйиб бердик, ота-боболаримиз даврида кўзга кўрилмаган бедаво дардлар пайдо бўлди..

Ўлчов ва тарозидан уриб қоладиган бўлдик, қурғоқчилик ва қаттиқ етишмовчиликларга дучор бўлдик..

Иззатимиз асоси ва шарафимиз манбаидан узоқлашганимиздан сўнг Аллоҳ ва Расулига берган аҳдимизни буздик, Аллоҳ устимизга пасткаш кимсаларни ҳукмрон қилиб қўйди, кучлилар қолиб заифлар ҳам, ғолиблар у ёқда турсин хорлар ҳам, яқиндагилар тугул узоқдагилар ҳам бизга кўз олайтиришга ва бизнинг ҳаққимизда тама қилишга тушди. Ерларимизни босиб олдилар, иззат ва шарафимизни оёқости қилдилар, номусларимиз поймол қилинди..

Аллоҳнинг Китобини ва Пайғамбарининг Суннатларини тарк қилдик, ошни тошга, гулни кулга, хушбўйни бадбўйга алиштириб юбордик,

гўнгқўнғиз мисол мушк анбар исидан озор топадиган ва хожатхонанинг бадбўй ҳидидан роҳат оладиган бўлдик..

4) Ўлим вақтида шаҳодат калимасини айта олмаслик

Гуноҳ ва маъсиятларнинг энг хатарли асоратларидан яна биридир бу, огоҳ бўлинг, азиз биродарим! Навқирон дўстим, севикли биродарим, фозила синглим! Гуноҳга муккасидан кетиш асорати ўз эгасига ўлим пайтида кўриниб, уни тавҳид калимасини айтишдан тўсиб қўяди!

Аллоҳга қасамки, агар гуноҳу маъсиятларнинг шундан бошқа асорати бўлмаганида ҳам, шунинг ўзи ҳам юракларни қалтиратиб юборишга кифоя қиларди!!

Маъсиятда яшаб ўтган кимсага охирги пайтида, ўлим тўшагида ётганида дили ҳам, тили ҳам хиёнат қилади. Дунё ҳаётида Хожасининг зикридан ғофил бўлган ва нафсу ҳавосининг қулига айланган банда қандай қилиб «ла илаҳа иллаллоҳ»га тили келсин?! Қандай қилиб тавҳид калимасини айта олсин?!

Дунёда тоат устида ўтган, тавҳид билан яшаган, қалби тавҳид билан лиммо-лим бўлиб, жисми тавҳид билан ҳаракатланган инсонгина ўлими пайтида тавҳид калимасига муваффақ қилинади.

Аммо, маъсиятлар билан яшаб ўтган, қалби гуноҳни яхши кўриш билан суғорилган, тоатдан узоқ бўлиб, мудом ноҳақликда бўлган ва ҳидоятдан узоқда ҳаёт кечирган инсон ҳаёти ёмон оқибат билан якунланиши Аллоҳнинг адолати тақозосидир! Аллоҳ барчамизни ана шундай ёмон оқибатдан Ўзи асрасин. Аллоҳга қасамки, ишлар хотималарига қараб баҳоланади.

Ибнул-Қаййим, Ибнул-Жавзий, Табарий, Табароний, Қуртубий ва бошқа катта олимлар китобларида бир воқеани келтирганлар. Бир киши Мисрдаги бир масжидда узоқ йиллар муаззинлик қилиб келган эди. Бир куни азон айтиш учун мезанага кўтарилганида кўчада ўтиб кетаётган бир аёл ундан: «Минжоб ҳаммомига қандай борсам бўлади?», деб сўраб қолади. Аёлнинг жамолига кўзи тушган эркак унга ошиқу беқарор бўлиб қолади, шайтон дилига васваса қилиб, унинг висолига етишишга тамаъ пайдо бўлади ва ўз дарвозасини кўрсатиб: «Мана Минжоб ҳаммоми», деб жавоб беради. Ҳалиги аёл ҳаммом деб гумон қилиб, унинг уйига

киргач, ортидан кириб, эшикни танбалаб олади. Аёл ўзининг алданганини ва маъсият тузоғига тушганини билгач, бу фитнадан саломат қутулиб кетиш йўлини қидиради ва кишига табассум қилиб, ўзининг ҳам унга кўнгли тушганини, у билан бирга бўлишдан хурсанд бўлишини, бироқ емак-ичмак ва бошқа маишат асбоблари бўлса айни муддао бўлишини айтади. Шодлигидан терисига сиғмай кетган эркак шошганича аёл айтган нарсаларни муҳайё қилиш учун кўчага қараб югуради ва дарвозани очиқ қолдириб кетади. Қайтиб келгач, аёл унга фириб бериб кетганини ва аллақачон унинг тузоғидан чиқиб кетганини билиб, қаттиқ қайғуга ботади. Эсини йўқотиб: «Минжоб ҳаммоми қайда, деб сўраган зебони изларман», деган мазмунда шеър ўқиб, кўчама-кўча айланиб юраверади. Шу алфозда азонни ҳам, намозларни ҳам йиғиштириб қўяди ва охир-оқибат касалланиб ётиб қолади. Ўлими яқинлашганида баъзи солиҳ кишилар унинг ҳузурига кириб, тавҳид калимасини айттиришга уринадилар, унга узоқ йиллар мобайнида ўзи айтиб келган азон калималарини эслатишади.. Бироқ, унинг тилидан «Минжоб ҳаммоми қайда, деб сўраган зебони изларман», деган сўзлардан бошқа нарса чиқмайди ва шу сўзларни айтганича жон таслим қилади.

Ҳа, ишлар фақат хотималарига қараб баҳоланади!

Аллоҳу Карим ўз карами билан бир одатни жорий қилиб қўйганки, ким нима билан яшаса, ўша устида вафот этади. Ким нима устида вафот этса, ўша устида тирилади.

Агар тоат билан яшасангиз, тоат устида вафот этасиз ва тоат устида қайта тириласиз. Маъсият устида яшасангиз, маъсиятда ўласиз ва маъсият устида қайта тириласиз. «Саҳиҳ Муслим»да Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Ҳар бир банда вафот этган нарсаси устида тирилади»**, деганлар (Саҳиҳиҳул-жомиъ: №8015, Муслим: №2878).

Огоҳ бўлинг! Каъбанинг Раббига қасамки, аввало ўзимни, кейин сизларни огоҳлантираманки: **«Чунки нафс — агар Парвардигоримнинг Ўзи раҳм қилмаса — албатта барча ёмонликларга буюрувчидир. Дарҳақиқат, Парвардигорим мағфиратли, меҳрибондир»** (Юсуф: 53).

Осийга умр бўйи Парвардигорининг маъсиятига ишлатиб ўтган дили, тили ва бошқа аъзолари хиёнат қилиши хавфи кучлидир.

Севикли дўстим! Аллоҳга суянинг, Унинг тоатида устивор бўлинг, гуноҳ ва маъсиятлардан узоқ бўлинг. Зеро, гуноҳлардан узоқ бўлиш инсон умри ҳусни хотима билан якун топишининг энг катта сабабидир. Аллоҳ таолодан барчамизнинг ҳаётимизни чиройли хотима билан якунлашини сўрайман.

Аммо, агар инсон хорликка гирифтор бўлган, гуноҳи кабираларга қўл урган, энди ҳаммаси тамом, ҳалок бўлдим, ҳамма нарсани бой бердим, деб ўйлаб қолган бўлса, тавбадан умидсизланиб, ер юзига сиғмай қолган бўлса.. Олий Даргоҳдан келган мана бу нидога қулоқ тутсин:

Учинчи: Олий даргоҳдан нидо

Ушбу нидо соҳиби бўлган Буюк Парвардигоримиз унга хитоб қилмоқдаки:

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Менинг** (турли гуноҳ-маъсиятлар қилиш билан) **ўз жонларига жиноят қилган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз! Албатта Аллоҳ** (Ўзи хоҳлаган бандаларининг) **барча гуноҳларини мағфират қилур. Албатта Унинг Ўзигина мағфиратли, меҳрибондир»** (Зумар: 53).

Ё Аллоҳ! Нақадар ёқимли нидо.. Меҳрга тўла, раҳм-шафқат билан лиммо-лим нидо.. Киши дилига омонлик ва хотиржамлик бахш этувчи, кўнгилга Меҳрибон Парвардигордан умидворлик руҳини тўлдирувчи оромбахш нидо..

Эй биродар! Агар гуноҳга қўл урган бўлсанг, қадаминг тойилган бўлса, бир ёмонлик устида бўлсанг, кел, қулоқ сол, қалбингни ушбу олий нидога тут..

«Менинг (турли гуноҳ-маъсиятлар қилиш билан) **ўз жонларига жиноят қилган бандаларимга...».** Хурсанд бўл, гуноҳ қилиб турган ҳолингда ҳам сени Ўзининг бандаси деб санагани шукронасига Раббингга сажда қил..

Нақадар шараф бу.. Гуноҳу маъсиятлар билан ўз жонларига зулм қилиб турган кимсаларни меҳрибон Парвардигор Ўзига нисбатламоқда, бандаларим деб атамоқда..

Биз ким бўлибмизки, гуноҳ қилиб турган ҳолимизда ҳам Аллоҳ таоло бандаларим деса, Ўзидан бизни қувмаса, биз билан алоқасини узмаса.. Сабаби, У бизнинг яратувчимиздир.. Шу боис у бизнинг заифлигимизни яхши билади, ожизу муҳтожлигимизни билади, жоҳиллигимизни, хорлигимизни билади.

Агар гуноҳга қўл уриб қўйган бўлсангиз, маъсиятга қадам қўйган бўлсангиз, шайтонга сизни умидсизликка туширишига йўл қўйиб берманг, Раҳмон таолонинг мағфират дарвозасини қоқишдан тўсишига имкон яратиб берманг..

Асло тараддудланманг.. Келинг.. Раббингизга қайтинг.. Гуноҳларингиз ҳар қанча катта, маъсиятларингиз ҳар қанча кўп бўлса ҳам.. Парвардигорнинг олий нидосига қулоқ беринг: **«**(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Менинг** (турли гуноҳ-маъсиятлар қилиш билан) **ўз жонларига жиноят қилган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз!»**.

Имом Муслим ва Имом Термизий ривоят қилган ҳадиси қудсийда меҳрибон Парвардигоримиз мана бундай нидо қилади: **«Эй Одам фарзанди, мудом Менга дуо қилар экансан ва Мендан умид қилар экансан, нима қилган бўлсанг ҳам** (қандай катта гуноҳ бўлишидан) **қатъий назар кечираман. Эй Одам фарзанди, агар гуноҳларинг осмондаги булутларга қадар етиб борса ва Мендан мағфират сўрасанг,** (қандай катта гуноҳлигидан) **қатъий назар, мағфират қиламан. Эй Одам фарзанди, агар Менинг ҳузуримга ер юзичалик гуноҳлар билан келсанг-у, Менга ҳеч нарсани шерик қилмаган ҳолда йўлиқсанг, Мен сенга ер юзичалик мағфират билан рўбаръ бўламан»** (Саҳиҳул-жомиъ: №4338, Мишкот: №4336, Термизий 2/270, Доримий 2/322, Аҳмад: 5/172).

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **Менинг** (турли гуноҳ-маъсиятлар қилиш билан) **ўз жонларига жиноят қилган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўлмангиз! Албатта Аллоҳ** (Ўзи хоҳлаган бандаларининг) **барча гуноҳларини мағфират қилур. Албатта Унинг Ўзигина мағфиратли, меҳрибондир»** (Зумар: 53).

Иккинчи хутба:

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

Аллоҳим, Ўзинг у зотга, аҳли ва асҳобига, то қиёмат у зотни севган ва йўлларига йўлланиб, суннатларини тутган ҳар бир кишига кўпдан-кўп саловоту саломлар йўллагин.

Тўртинчи: Тавба қилувчи борми?

Эй биродар! Кел, Аллоҳга тавба қил, гуноҳлардан тийил.. Эй вақтини чойхонада мусобақалар томоша қилиб ўтказувчи.. Эй еру осмонлар Парвардигорининг ҳақларини зое қилувчи.. Эй гуноҳу маъсиятлар билан ўз жонига зулм қилувчи.. Огоҳ бўл, ўлим келмоқда! Умр қисқа, сен кутаётган энг яқин меҳмон ўлимдир.. Парвардигорга рукуъ ва сажда қилишни унутиб, экран қаршисида ўтказганинг бу лаҳзалар сенга асло фойда бермайди.. Эй Аллоҳнинг амрини ва Аллоҳнинг ҳаққини зое қилиб, вақтини интернет кафеларда беҳуда кетказаётган инсон! Билгинки, сен хатар устидасан ва Исломдан ташқарида ўлиб кетишинг хавфи бор!

Тавба қилувчи борми?! Аллоҳга қайтувчи борми?! Қани, шу кечанинг ўзидаёқ Аллоҳга тавба қилишга, Аллоҳга қайтишга ва яхшилар суҳбатига қўшилишга аҳд берадиган ким бор?!

Кел, Аллоҳга тавба қил.. Дунё ҳаёти ҳар қанча узун бўлмасин, барибир қисқадир, ҳар қанча улкан бўлмасин, барибир ҳақирдир. Зотан, тун ҳар қанча узоқ давом этмасин, тонг отиши аниқ, умр ҳар қанча узоқ бўлмасин, қабрга киришдан бошқа чора йўқ..

Тавбанинг биринчи шарти гуноҳ қилишдан тийилишдир.. Иккинчи шарти эса ўтган гуноҳларга чин дилдан пушаймон бўлиш ва надомат ўтида куйиб-ёнишдир, қолган умрни Аллоҳ сизни солиҳлар қаторида қабул қилмай қолишидан қўрқув ичида ўтказишдир..

Тавбанинг учинчи шарти тоатларда давомий бўлиш ва бу ҳақда Парвардигорга аҳд беришдир.

Эй намозни зое қилиб юрган..

Эй закотни зое қилиб юрган..

Эй Аллоҳнинг динига қарши курашиб юрган..

Эй яхшиларга ва покиза инсонларга қарши курашиб юрган..

Эй Пайғамбарнинг суннатларига қарши чиққан..

Эй ота-онасига оқ бўлиб юрган..

Эй қариндошларидан алоқасини узган..

Эй қўшниларига озор бериб юрган..

Эй дилозорлик қилиб юрган.. Аллоҳга қайт, Аллоҳга тавба қил. Ўтган гуноҳларингга пушаймон бўл.. Билгинки, сенинг Парвардигоринг кечиримли ва раҳмли Зотдир.

Парвардигорим, ушбу муборак жамоатда бўлганлардан ҳеч биримизнинг бирон гуноҳимизни қолдирмай мағфират айлагин, ҳеч бир беморимизни қолдирмай Ўзинг шифо бергин, ҳеч бир қарзни қўймасдан Ўзинг ўтагин, ҳеч бир ғам-қайғуни қўймасдан Ўзинг аритгин, ҳеч бир маййитимизни қўймасдан Ўзинг раҳмат қилгин, ҳеч бир гуноҳкорни қўймасдан Ўзинг қалбини очгин ва ҳидоят қилгин, ҳеч бир тоат-ибодатли бандангни қўймасдан уни ибодатда яна ҳам зиёда ва саботли қилгин!

Парвардигорим, гуноҳларимиз сабабли биздан юз ўгирмагин. Парвардигорим, Ўзинг бизга раҳм эт, Сенгина бизга раҳм қилувчисан! Сендан ўзга маъбудимиз йўқ, Сенгагина дуо қиламиз! Сендан ўзга парвардигоримиз йўқ, фақат Сендан умидвормиз!

Эй ғарқ бўлаётганларни қутқариб қолувчи зот! Эй ҳалок бўлувчиларга нажот берувчи зот! Эй ҳар бир пичирлашни эшитувчи зот! Эй эҳсони буюк зот! Эй яхшиликлари туганмас зот!

Эй Парвардигорим, гуноҳларимизни мағфират қилгин.. Парвардигорим, айбларимизни ёпгин.. Парвардигорим, қайғуларимизни кетказгин.. Парвардигорим, ғамларимизни аритгин!

Парвардигорим, амалларимизни солиҳ амаллар билан хотималантир.

Парвардигорим, дунёни энг катта ғамимиз ва илмимиз билан эришадиган мақсадимиз қилмагин!

Парвардигорим, ҳаётни биз учун барча яхшиликларнинг зиёдаланиши қилгин, ўлимни биз учун барча ёмонликлардан роҳат қилгин!

Парвардигорим, нафсларимизга тақво бергин, уларни поклагин, Сен уларни энг яхши покловчи зотсан, Сен уларнинг эгаси ва хожасисан!

Парвардигорим, модомики тирик эканмиз, қулоқларимиз, кўзларимиз ва куч-қувватимизни бизларга фойдали қилгин, бизга зулм қилганлардан қасосимизни олиб бергин, бизга душманлик қилганлар устидан нусрат ато этгин!

Парвардигорим, Исломга нусрат ато этгин ва мусулмонларни азиз-ғолиб қилгин, Ўз фазлинг билан ҳақ сўзни олий қилгин!

Парвардигорим, раҳбарларимизни фақат Ўзинг яхши кўрадиган ва Ўзинг рози бўладиган ишларга муваффақ этгин!

Парвардигорим, бизларни ўрагин, шарманда қилмагин! Бизларни икром этгин, хор қилмагин! Одамларни фитна-имтиҳонга солишни истасанг, бизларни фитналанмаган ва расво бўлмаган ҳолда Ўз ҳузурингга олгин, эй раҳмлиларнинг раҳмлироғи!

Севикли биродарим! Бугун сизларга етказмоқчи бўлган сўзларим шулардан иборат эди. Нимаики хато-нуқсон ва унутиш содир бўлган бўлса, у менинг ўзимдан ва шайтондандир, Аллоҳ ва Расули ундан покдир. Мен сизлар унинг устидан жаннатга юриб ўтадиган, ўзи эса жаҳаннамга улоқтириладиган бир кўприк бўлиб қолишдан Аллоҳдан паноҳ тилайман. Мен сизларга панд-насиҳат қилиб, ўзимни унутиб қўйишдан Аллоҳдан паноҳ тилайман.

Саййидимиз Муҳаммадга ва у зотнинг аҳли ва асҳобига Аллоҳнинг саловот ва саломлари бўлсин.

2010 йил 14-май